

Пайғамбарларнинг меросхўрлари

15:31 / 28.04.2017 3176

Ҳикматлари пардаланган дунёнинг пардаси фақат Раббул Олабийн тақдир қилган инсонларга очилди. Улар набийлар, набийларнинг суҳбатида бўлган зотлар ҳамда Аллоҳдан чин дилдан қўрққан олимлардир. Набийлар ва саҳобалар даври тугаган бўлса-да, уларнинг меросхўрлари – олимлар қиёматгача барҳаёт. Абу Ҳанифа вафот этган йили Имом Шофеъий туғилгани каби, олим кетидан олим дунёга келавергай, заминимиз олимсиз қолмагай, иншааллоҳ.

Аммо унутмаслик керакки, Аллоҳ бир қавмни илмсиз қолдиришни хоҳласа, уларнинг уламоларини олади ва бошқа олим бермайди. Илмнинг, олимнинг қадрини билмайдиганлар шундай жазоланади. Мана шу назар билан бугунги ҳолатимизга қарайдиган бўлсак, Аллоҳ ўнгласин, анчагина ачинарли аҳволдамиз. Олимлар ҳақида бўлар-бўлмас гаплар, ғийбатлар айнан мусулмонларимиз орасида урчиган. Аслида улар олимларни эъзозлашга, этакларини маҳкам тутишга, йўлларида юришга маъсул эдилар. Бир ҳадиси шарифда: «Олимларни паст санаманглари, Аллоҳ таоло илм бераётганида уни паст санамаган», дейилган. Демак, илмни ва олимни қадрлай билишимиз керак.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир устун олдида хутба ўқир эдилар. Кейин саҳобалар у зотга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) минбар қуриб беришди. Шунда ҳалиги устун ўқирган овоз чиқарди, Аллоҳнинг расули унинг олдидан кетгани учун йиғлади. Сўнг Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) келиб, ҳалиги устунни силаб юпатдилар. Шундан кейин устун тинчланди».

Ҳасан Басрий ҳазратлари ушбу ривоятни сўйлар эканлар, қавмга қарата: «Шу ёғоччалик бўлмасангиз-а, Расулуллоҳни (алайҳиссалом) шу ёғоччалик яхши кўрмасангиз-а», деган эдилар.

Ҳасан Басрий олим, қавмни Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатида тутиб тургувчи, залолатдан огоҳ этиб, маърифат сари бошлагувчи зот эдилар.

Олимлар омилар кўзи илфамайдиган, фаҳми идрок этмайдиган жиҳатларни кўришади. Устун йиғлаганию Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уни юпатганлари воқеаси билан қавмнинг ҳолатини чиройли муқояса қилган ва энг таъсирчан ўғитлар берган Ҳасан Басрий каби олим зотлар ҳар бир замонга, ҳар бир маконга керак.

Пайғамбарлардан қолган мерос ҳамон бор, тақсимоли адолатли, берилгани

билан тугамайдиган мерос у. Фақат уни оладиган муносиб қалблар керак,
ҳасан қалблар...